*Қуёш далдасида эгилганларнинг*
*енгилроқ қилдимми оғирлигини?*
*Айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,*
*кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини?!*
*Кун келди,*
*бошингни эгадиган кун,*
*ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун*
*юзингни босганча ернинг юзига,*
*силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун.*
*Мендан нима қолур,*
*абадий нурлар*
*барқ уриб яшнаган дунё томонда?*

Бунда шоир сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошларини поэтик актуаллаштириш орқали шеърнинг таъсирчанлигини оширишга эришган.

**Адабиётлар**

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. -Т.: “Фан”, 2008.
2. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.
3. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Тошкент: “Фан”, 1990.
4. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990. 219-б.
5. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. // Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари ва тадқиқотлар. – Тошкент: «Маънавият», 2006.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбек тилидаги сўроқ гапларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари, тилшуносликда интеррогация терминининг қўлланилиши ва интеррогатив вазият нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлиши, диалогик ва монологик нутқда қўлланиладиган интеррогатив вазият бадиий матннинг лисоний қатламдорлигини таъминловчи муҳим воситалардан бири эканлиги ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада олим ва тадқикотчиларнинг олиб борган тадқиқот ишлари талқин қилинган ва ўзбек шоирларининг шеърларида сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошларининг поэтик актуаллаштирилиши ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению вопросительных предложений в узбекском языке, применению термина «интеррогация» в лингвистике, а также ситуаций с вопросами в различных формах речи Использование ситуаций с вопросами в диалогической и монологической речи является одним из важных средств языкового оформления литературного текста. В статье также анализируются исследования учёных по данному вопросу и рассматривается поэтическая значимость вопросительных предложений в произведениях узбекских поэтов.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of interrogative sentences in the Uzbek language, using of the term «interrogation» in Linguistics and interrogative situations in different speech forms. Using interrogative situations in the dialogue and monologue is one of the important means of the linguistic formation of the literary-artistic text. The author of the article also analyzes the researches of the scholars on this issue and studies the poetic importance of interrogative sentences in the works of Uzbek poets.

# ДЕРИВАТОЛОГИЯ НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МУСТАҚИЛ СОҲАСИ СИФАТИДА

**М.Д.Даниева –** *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** бирлик, нутқий фаолият, дериватология, грамматика, манба, жараён, тилшунослик, тизим, синтактик, семантика.

**Ключевые слова:** единица, разговорная речь, дериватология, грамматика, ресурс, процесс, языкознание, система, синтаксический, семантический.

**Key words:** unit, oral speech, derivatology, grammar, source, process, linguistics, system, syntactic, semantic.

Тил тизимидаги ҳар бир бирлик, у қандай сатҳга оид бўлишидан қатъи назар, нутқий фаолият жараёнида, яъни лисоний яратувчанлик қобилиятининг фаоллашуви натижасида ҳосил бўлади. Худди шу жараённинг кечиш шарт-шароитини, янги бирликларни ҳосил қилувчи омилларни ўрганиш назарий тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифалар ижросини таъминлаш дериватологиянинг зиммасидадир.

Тил табиатининг асосий хусусиятларидан бири унинг яратувчанлик қобилиятга эга бўлишидир. Дериватология назарий тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида узоқ шаклланиш тарихига эга, олимларнинг гувоҳлик беришларича, ушбу соҳанинг тарихий илдизлари анча чуқур. Қадимги грамматикага доир манбаларда, жумладан, ватандошларимиз Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий асарларидаёқ тил бирликлари ясалиши қонуниятлари ҳақида назарий фикрлар билдирилган. Лекин тил тизимида содир бўладиган яратувчанлик жараёнларига алоҳида эътибор Е.Курилович, Е.С.Кубрякова, Л.Н.Мурзин ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг мавзуга доир илмий ишлари эълон қилинганидан сўнг янада кучайди. Натижада, охирги йиллар давомида дериватология тилшуносликнинг алоҳида тадқиқ соҳаси сифатида тўлиқ шаклланди. Бу соҳанинг ривожида ўзбек олимларининг ҳиссаси ҳам сезиларли бўлиб, бунинг исботини Самарқандда тўпланган дериватологлар гуруҳининг фаолиятида яққол кўриш мумкин [5].

Шунинг билан биргаликда, баъзан тадқиқотчиларнинг деривацияни ғоят тор маънода изоҳлаш ва уни фақат сўз ясаш тизимига хос ҳодиса, деб қараш анъанасидан воз кеча олмаётганликлари сезилиб туради [1:144].

Деривация жараёнининг кўламини бу тахлитда чеклаш тилнинг яратувчанлик қобилияти ва имконияти ҳам чекланган, у сўзлашишдан бошқа сатҳлар доирасида ўз кудратини намоён эта олмайди, деган нотўғри хулосага сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, сўз бирикмалари тизимининг деривацион хусусиятлари дериватологлар эътиборини нисбатан кам жалб этаётганлиги ажабланарлидир. Кам миқдорда бажарилган ишларда ҳам асосий эътибор бирикмаларнинг синтактик тузилишига қаратилиб, уларнинг бошқа деривацион жиҳатлари (жумладан, семантик бойиши, синтактик ва маъновий кенгайиши, трансформацион имкониятларининг фаоллашуви билан боғлиқ хусусиятлари) маълум даражада унутилиб қўйилмоқда. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида, деривация тушунчасининг кенг маънодаги талқини анъанасига таянган ҳолда, сўз бирикмалари тизими тадқиқида юзага келган бундай “бўшлиқ”ни баҳоли-қудрат тўлдириш вазифасини бажаришга ҳаракат қилиш ва бунда асосий эътиборни сўз бирикмалари структур-семантик тузилишидаги силжишларнинг деривацион жараёнлар, тил тизими динамикаси билан боғлиқ жиҳатларига қаратмоқчимиз.

Тилшунослар томонидан алоҳида йўналиш сифатида қабул қилинган деривация назарияси лисоний муносабатлар тизимининг яхлитлик намунаси эканлигини ифодалайди ҳамда тил системаси динамикасини таъминловчи сабабларни аниқлаш

имконини беради. Дериватологиянинг бундай имкониятлари Е.С.Кубрякова берган таърифда алоҳида қайд этилган: “деривация, тамойиллар ва деривация жараёнида юзага келадиган муносабат бирликлари тадқиқи бутун тизимнинг қурилиши ва фаолиятини тушуниш учун муҳимдир”. Бир оздан сўнг олима бу таърифини янада аниқлаштириб, деривация ҳар қандай турдаги иккиламчи белгининг яратилиш жараёни ёки маҳсулини қамраб олишини эътироф этади, “чунки унинг асос сифатида олинган бирликдан турли қоидалар қўлланилишида ҳосил бўлишини тушунтириш мумкин” [2:64]. Ушбу таърифга ва мавжуд деривация қоидаларига асосланиб, тил тизими ва нутқий фаолиятда ҳосил бўладиган янги номинатив бирликларнинг “яратилиш тарихи”ни тасвирлаш мумкин бўлади. Деривацион таҳлилнинг сўз ясаш ва синтаксис сатҳларига кенг татбиқ этилганлигининг сабаби ҳам энг асосий конструктив бирликларининг “ясалиш тарихи” аниқ тасвирга эга эканлиги билан изоҳланади. Ҳақиқатдан ҳам, синтактик деривация ҳодисасининг тадқиқи тил тизими бирликларининг нутқда фаоллашуви тамойилларини кенг миқёсда ўрганишга имкон беради. Лекин деривация жараёнлари муаммоси билан шуғулланиб келаётган тилшунослар ҳар доим қайси ҳолатларда тилда лисоний бирликларни яратувчи жараёнлар юзага келиши ҳамда ушбу жараённинг тил сатҳларида намоён бўлиш даражаси қандайлиги ҳақидаги саволлар билан машғул бўлишган. Натижада, деривация тил тизимининг барча сатҳларига оид, деган хулосага келинди ва ушбу ҳодисанинг лексик, морфологик, синтактик, семантик турлари фарқлана бошланди [4:85]. Шу аснода ҳар қандай деривацион ҳодисанинг динамик характердалиги қайд қилинди, чунки бу ҳодиса орқали муайян тил бирлигининг бошқасига ўтиши ўз аксини топади ва у тил тараққиётини белгиловчи асосий ҳодисалардан бирига айланади.

Деривациянинг кўпқамровли ҳодиса сифатида қаралиши натижасида унинг ўзига хос ички хусусиятларга эга эканлиги маълум бўлди. Деривация жараёнининг андозали характерда бўлиши худди шу хусусиятлардан биридир. Чунки унинг ҳар бир кўриниши маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, бунда аниқ семантик вазифа бажарилади ва мақсадга эришишда чекланган миқдордаги формал воситалардан фойдаланилади. Шунга кўра, деривация жараёнини икки йўналишда, яъни семантик ва формал ёндашувларни татбиқ этиш йўли билан ўрганиш мумкинлиги ўз тасдиғини топади.

Натижада, деривацион жараёнларни моделлаштириш имкони туғилади. Аммо “модел”, “схема”, “қолип”, “андоза” каби тушунчаларнинг илмий талқини турличадир. Тилшунослар турли хил бирликларнинг (сўз, сўз бирикмаси, гап) у ёки бу модел асосида яратилиши, тузилиши ҳақида гапирадилар. Ҳар қандай модел мавжуд бўлган бирликларнинг асосий белгиларини умумлаштириш йўли билан тузилади. Е.С.Кубрякова ҳамда Ю.Г.Панкрац айтганларидек, “деривация” жараёни бошланғич бирлик ва ушбу жараён натижасида юзага келган ҳосила бирлик ўртасидаги муносабат ва алоқаларни аниқлаш учун хизмат қилиши билан бир қаторда, яхлитнинг қисмлари ҳолатидаги ушбу жараённинг ички муносабатларини ҳам намоён қилади. Зотан, тилда кузатиладиган барча деривацион жараёнлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар нафақат андозали кечади, балки ўзига хос боғлиқлик, муносабатларни акс эттирувчи структурага ҳам эгадир. “Жараён структураси, – деб хулосага келади муаллифлар, – унинг моделининг ажралмас қисмидир ва бунда субстанция, структура ҳамда функциянинг мослашуви акс этади” [3:15].

Сўз бирикмалари деривацион хусусиятлари таҳлилида биз асосан Е.С.Кубрякованинг ушбу ҳодиса ҳақидаги назарий ғоялари ва юқорида эслатилган ишларида билдирилган фикр-мулоҳазаларига таянамиз. Бундан ташқари, деривация жараёнининг бир чизиқли ва ночизиқ йўналишларда кечиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Деривация бир чизиқда кечганида ёки тасмасимон йўналиш олганида, янгидан ҳосил бўладиган бирлик, иккиламчи лисоний белги деривация учун бошланғич нуқта бўлган бирликнинг структура тизимидаги ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлади. Деривациянинг иккинчи йўналишида эса, тил бирлигининг структурасида ҳеч қандай кенгайиш ёки торайиш ҳолатлари кузатилмасдан, фақат семантик ўзгаришлар ҳосил бўлади. Таҳлилни сўз бирикмаси деривациясининг чизиқли йўналишда келиши ҳолатларини кузатишдан бошлаймиз.

Маълумки, сўз бирикмалари тизимида чизиқли деривация энг кўп таъсирга эга бўлган йўналишдир. Шу тизимга кирувчи бирликларнинг катта қисми асосан таркибий қисмларининг бир текис бирикуви асосида ясалади ва бу уларнинг структур моделларида ўз аксини топади. Масалан: *stone wall* каби бирикув $N_1+N_2$ моделига эга бўлса, *the capital of the republic; the wind from West; a pupil at the blackboard; the snow on the mountain; a pen with the paper* бирикмаларининг деривацион модели $N_1$+pr+$N_2$. Худди шунингдек, *Mothers’ Day; friend’s success* бирикмалари N’s+Nмоделига эга ёки *red rose; sunny weather* каби бирикмаларнинг структур модели Adj+N; айни пайтда Ving+N ва Ven+pr+N моделидаги *running horse; broken in pieces* бирикмалари ҳам чизиқли деривация жараёнининг маҳсулидир.

Бу моделларнинг фарқи фақат деривация формал операторларининг турли хил эканлигидадир. Юқоридаги бирикмаларда шундай операторлар ролини предлоглар ва **‘s** форманти ўйнамоқда. Энг фаол операторлар қаторига, предлоглардан ташқари, ноль оператори киради, чунки ҳозирги инглиз тилида бирликларнинг синтагматик қатордаги мослашуви кўпроқ аналитик кўриниш олади.

Деривация жараёнининг формал жиҳатлари билан қизиқишган Н.Қ.Турниёзов, М.Четин каби тадқиқотчилар туркий тилларда сўз бирикмаларининг деривацион ўзига хослигини кўрсатиб ўтадилар. Масалан, “*Аламзада Мадумарнинг гаплари халқнинг ишончини сусайтириб, Очилга азоб бермоқда эди*” гапида қўлланилган “*халқнинг ишончи*” бирикмаси таркиби – нинг+и оператори воситасида ҳосил қилинган. Шунингдек, турк тилидаги сўз бирикмаси тузилишида ҳам дубльоператори иштирок этади [6:19].

Худди шундай қўш операторларга эга бўлиш бир пайтлар инглиз тили СБлари тизимида ҳам мавжуд эди. Қиёсланг: – *Wille ic geseogan sunu Healfdenes maerum théodne min aerende*. - “*Буюк саркарда Хеалфеднинг ўғлига ўз топшириғимни айтмоқчиман*”;

– *he forlet that haes thaes gebeorscipes*. “*У бу томошалар уйидан чиқиб кетди*” (Oros.) гапларида қўлланилаётган атрибутив бирикмаларда таркибли операторлар мавжудлигини кўрамиз. Аммо қадимги инглиз тили сўз бирикмалари деривациясига хос бўлган бу кўрсаткич кейинги даврларда ўз мавқеини нисбатан йўқотган. Бундай қўшоператорлик хусусиятининг йўқолиши натижасида инглиз тили сўз бирикмалари деривацияси асосан аналитик тус олган [7:145].

Юқорида изоҳланган сўз бирикмаларининг барчаси икки номинатив бирликнинг бирикишидан иборат бўлиб, уларнинг деривацион белгилари тўғрисида илмий адабиётларда бир мунча фикрлар билдирилган. Бизнингча, худди шу ўринда биномларнинг деривацион хусусиятлари етарли даражада таҳлил қилинмасдан

қолмоқда. Биномлар ҳам, ўз навбатида, деривацион асос хизматини ўташи ва янада кенгроқ структурали бирикмаларни шакллантириш жараёнида иштирок этишлари мумкин, чунки тил бирликларининг синтагматик имкониятлари биргина валентлик даражасида чекланиб қолмайди.

**Адабиётлар**


1. O'Grady W., Dobrovolsky M., Katamba F. Contemporary Linguistics. - Harlow – Essex: Longman, 1997. -P. 755.
2. Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия. //Вопросы языкознания. 1974. -С. 61-72.
3. Кубрякова Е.С. Панкрац Ю.Г. О типологии процессов деривации. // Теоретические аспекты деривации. -Пермь: 1982. -С. 7-20.
4. Рахимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. -Тошкент: «Наврўз», 2011. 170-б.
5. Турниёзов Н. Ўзбек дериватологиясининг бугунги аҳволи ва истиқбол тараққиёти ҳақида. //Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари. -Самарқанд: 2009. 3-6-б.
6. Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси. Филол.фан. номзодидисс. … автореф. -Тошкент: 2002. 23-б.
7. Шапошникова М.В. Системные диахронические изменения лексико-семантического кода английского языка в лингвоэтническом аспекте. -Иркутск: 1999. -С.243.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада дериватологиянинг фан сифатида тараққий этиши, унинг шаклланиши ва ривожланишига доир маълумотлар берилган. Шунингдек, мақолада асосий эътибор сўз бирикмалари структур-семантик тузилишидаги силжишларнинг деривацион жараёнлар, тил тизими динамикаси билан боғлиқ жиҳатларига қаратилган. Сўз бирикмалари деривацион хусусиятлари таҳлилида йирик тилшуносларнинг фикрларига таянилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье даётся информация о развитии, формировании и эволюции дериватологии как предмета. Особое внимание уделяется структурно-семантическому построению словосочетаний, изменениям в деривационном процессе, и связи динамики языковой системы. Процесс анализа деривационных особенностей словосочетаний основан на мнениях известных языковедов.

**SUMMARY**

The article provides information on formation, development and evolution of derivatology as a science. The article also focuses on the structural-semantic construction of word combinations changes in the derivative process as well as aspects related to language system dynamics. The analysis of the derivative features of word combinations is based on the ideas of the famous linguists.


## ПАРСЫША СӨЗЛЕРДЕН ЖАСАЛҒАН АДАМ АТЛАРЫ


**З.Ж.Даниярова**-*докторант*

*Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими*

*Қарақалпақ гуманитар илимлер илим изертлеў институты*



**Таянч сўзлар**: фольклор, тил, туркий тиллар, антропоним, форсча исмлар, арабча исмлар, маданий мерос.

**Ключевые слова**: фольклор, язык, тюркские языки, антропоним, персидские имена, арабские имена, культурное наследие

**Key words**: folklore, language, Turkic languages, antroponyms, Persian names, Arabic names, cultural heritage.


Қарақалпақ халық аўызеки дөретпелери тили халқымыздың даналығын, оның тарийхый раўажланыў дәўирлерин өзинде сәўлелендириўши бийбаҳа мийрас болып есапланады. Бизге белгили, қарақалпақ фольклорының лексикалық қурамында араб тил қатламлары менен парсы тилиниң сөзлери де көплеп ушырасады. Парсы тилиниң түркий тиллерине ҳәм түркий тилиниң бир шақабы болған қарақалпақ тилине тәсири туўралы көплеген тилши илимпазлар өзлериниң баҳалы пикирлерин билдирген [1:37].

Ҳақыйқатында да, парсы тилиниң қатламлары әййемги дәўирлерден басланып, түркий ҳәм иран қәўимлериниң өз ара тығыз байланысы нәтийжесинде ҳәм араблар менен парсылардың Орта Азия, Қазақстан аймақларында үстемлик етип илим ҳәм мәдениятын, динин кең көлемде енгизиўине байланыслы түркий тиллес халықлардың айырым орынларында согд тилинде де, түркий тилинде де сөйлесетуғынлығын айтқан еди. [2:24]. Бул жағдай парсы тиллеринен гейпара түркий тиллер менен бир қатарда қарақалпақ тилинде ҳәм фольклорында айырым сөзлер менен терминлердиң ҳәм адам атларының келип кириўине тәсирин тийгизген.

Атап айтқанда, парсы тилиндеги **жан, дос, дана, пир, перде, таза, дурыс, гүл, пахта** ҳәм.т.б. сөзлер қарақалпақша адам атларын жасаўда антропокомпонентлик хызметте келип парсыша сөзлер менен бирге адам атларын жасайды [2:163]. Мысалы:

Жаскеленниң жақсы көрген,
Бир ғана досты бар еди,
Атын оның **Жандос** дер
(«Жаскелен», 44-том, 220-бет).

Гүлбазар қызымның сиңлиси **Улжан**,
Буларды жақсы дейип айтпайды бир жан
(«Бекимбет бақсының баязы», 65-т,439-б).

Жан сөзи О.Бекбаўлов мийнетлеринде арабша сөз болып «адамның жаны, жанлы мақлуқ, жанлы адам» мәнилерин билдиреди деп келтирилсе [3:34], Э.Бегматов [4:137] ҳәм О.Доспанов [5:28] мийнетлеринде жан сөзинен басланған адам атларын парсы тилине киргизген.

Гүл сөзи парсыша «гүлдей шырайлы, гөззал яки өмири гүлдей ашық болсын» [4:91] мәнилерин билдиреди.

Жийдели-Байсын елинде,
Ерман байдың, шырағым,
**Гүлбийби** арыў қызы едим (4-т, «Алп», 466-б).

Өтеш **Қурбангүл**ге деди: апай сен,
Саған айтар мәсләҳәтим қабыл ал («Өтеш батыр»,62-т, 340-б)

О.Сайымбетов гүл сөзи қарақалпақ тилинде ҳаялқызларға байланыслы адам атларының қурамында еркелетиў мәнисин береди ҳәм өнимли қолланылады, гейде ерлерге байланыслы адам атларының биринши компоненти болып та келе береди [2:48] деп атап өткен еди. Бундай атлар фольклорлық шығармаларда да көплеп ушырасады.

Жыллар өтип ханның баласы **Гүлбүлбүл** он алты жасқа толыпты (69-т, «Бт ерт», 244-б).

Түрекениң арғы бабасы **Гүлмурат** көреген (83-т, «Аўыз» гүр, 380-б).

Пир сөзи парсыша «кексе, ғарры ҳәм әўлийе, мәлим бир өнердиң тийкаршысы» деп жүритиледи [6:219]. Және бир мийнетте «устаз,басшы» [7:178] ҳәм қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлигинде «көп жасаған адам. кексе киси, ғарры. 2. дин. с. қоллап жәрдем бериўши диний басшы, сүйеўши, жәрдемши, қоллаўшы» [8:111] сыяқлы мәнилерди билдиреди. Бул сөз бенен басланған адам атлары фольклорлық шығармаларда, дерлик, аз қолланылған. Мәселен,